

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 31 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ФАРҒОНАДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Ислом Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллигига бағишланган вилоят байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, сенатор ва депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, вилоят ташкилот ва бошқармалари раҳбарлари, вилоят фаоллари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тантанали байрам тадбирини вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров кириш сўзи билан очиб, муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари ҳамда эл-юртимизнинг яқдил азму қарори билан жорий йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаётимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий асосга айланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг “Энди ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, “инсон – жамият – давлат” деган янги тизим асосида фақат ва фақат олдинга қараб борамиз” деган сўзларини иқтибос қилиб келтирган вилоят ҳокими, янгиланган бош Қомусимиз инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни жамиятимиз учун ҳаёт қондасига айлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлишини қайд этди.

Фарғона вилоят судининг раиси Акром Утаев Янги Конституциянинг энг муҳим жиҳатларига ҳамда унга киритилган янги моддаларнинг аҳамиятига эътибор қаратди.

Байрам тантаналари вилоятимизнинг таниқли санъат усталарининг катта гала-концерти билан давом этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-07 20:46:57